2009. – I–XII. – N2–55. 2 экз.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 13 январь ● сешанба ● № 2 (619) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Эртага — Ватан ҳимоячилари куни

3

Маънавият эшиги — дурдона юртим, Тамаддун бешиги — бир дона юртим!

Ислом КАРИМОВ:

... Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг.

Амир Темур

// Адлия вазирлигида

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 август қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"да белгиланган чора-тадбирларнинг ўрни беқиёсдир.

"Энг яхши ҳуқуқий мақола"

республика танлови якунланди

УШБУ ДАСТУРНИНГ ижросини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш борасида барча давлат идоралари, ҳуқуқшунос ва журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ҳуқуқий маданиятни оширишга йўналтирилган мавзулар бўйича "Энг яхши ҳуқуқий мақола" республика танлови эълон қилинган эди.

Адлия вазирлигида ўтказилган тадбир ушбу танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланди.

Танловга ҳуқуқ-тартибот идоралари, судлар, адлия органлари ходимлари, ҳуқуқшунос ва журналистлар юздан зиёд мақолалар тақдим этилди. 2007 йилнинг 1 декабридан 2008 йил 1 декабрига қадар матбуотда чоп этилган, давлатимиз ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтиришга қаратилган мақолалар муаллифи аниқланди. Танлов комиссиясининг хулосасига кўра, 1-ўринга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бўлимининг бошлиғи, юридик фанлари номзоди **Гулнора Инамжанова**, **2-ўринга** Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўйича етакчи маслаҳатчиси **Қоржов Чориев**, **3-ўринга** "Моҳият" ижтимоий-сиёсий газетаси мухбири **Алишер Азимов** ҳамда Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бўлимининг етакчи маслаҳатчиси **Нодира Мирмуҳаммедовалар** сазовор бўлдилар. Ғолиблар Адлия вазирлигининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, **"Инсон ва қонун"** ҳуқуқий газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири **Хуршиджон Султонов**, Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг девонхона мудираси Робия Тошбоева, Андижон Давлат университетининг 3-босқич талабаси **Умида Усмоновалар** танловда фаол иштирок этганлиги учун Адлия вазирлигининг рағбатлантирувчи фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, танловга тақдим этилган ижод намуналари нафақат ҳуқуқшунослар, балки бошқа соҳа вакиллари, айниқса, журналистларнинг ҳуқуқий билимларни эгаллашга интилаётганлиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшаётганлигининг ёрқин намунасидир.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

"Ким ошди" савдосида қатнашади

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси прокуратураси органлари томонидан Элликқалъа тумани, "Гулдурсин" ОФЙ, "Қумбосган" аҳоли пунктида яшовчи фуқаро Беғли Қабуловнинг шахсий уй қуриш учун ер участкасини олишда ёрдам сўраган мурожаати бўйича текшириш ўтказилди.

Туман бўйича ер участкаларини навбатдаги "Ким ошди" савдосига қўйиб сотиш бўйича туман ҳокимининг 2008 йил 21 июнда 242-6-сонли қарори қабул қилиниб, бир қатор аҳолига қарашли пунктлардан, жумладан, "Гулдурсин" ОФЙ, "Қумбосган" аҳоли пунктидаги 246-контурдаги фуқаро Б.Қабуловга режалаштирилган ер участкаси ҳам "Ким ошди" савдосига қўйилиб, газетада эълон қилиниб, савдо бўладиган кун савдода қатнашиб, турар-жой қуриш учун ер участкасини "Ким ошди" савдосида ютиб олиши мумкинлиги белгиланган. Фуқаро Б.Қабуловда ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги, ҳали "Ким ошди" савдоси бўлмаганлиги учун ҳеч кимга ер участкаси берилмаганлиги аниқланди.

Шу сабабли фуқаро Б.Қабуловга "Ким ошди" савдосида қатнашиш учун тегишли ҳужжатларни мулк қўмитасига тақдим қилиши ва "Ким ошди" савдосида қатнашиб, тегишли ҳужжатларни олгандан кейин ер участкаси чегаралари кўрсатиб берилиши тушунтирилди.

М.ХАЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ прокуратураси томонидан фуқаро Мақсуд Шерматовнинг "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига Китоб тумани уй-жой қурилиш бўлими бошлиғи М.Ҳаётов томонидан ер участкаси ажратиб берилмаётгани ҳақида ёзган аризаси ўрганилди.

Ер берилиши таъминланди

Аниқланишича, фуқаро М.Шерматовга Китоб тумани ҳокимининг қарори билан ер участкаси ажратилган бўлиб, фермер хўжалиги томонидан мавсумий қишлоқ хўжалик экинлари экилганлиги сababли, ер участкаси берилиши кечиктирилган.

Китоб тумани прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда, Китоб тумани уй-жой бўлими мутахассислари ҳамда М.Шерматовнинг иштирокида 2008 йил 11 декабрь куни Китоб тумани "Сурум" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, "Сурум чаманлари" фермер хўжалиги ҳудудидан фуқаро М.Шерматовга 0,6 гектар ер майдони якка тартибда уй-жой қуриш учун ўлчаб берилиши таъминланди.

М.АЗИМОВ,
Қашқадарё вилояти прокурори ўринбосари, 1-даражали юрист

Фуқаролар мурожаатлари

жойларда қандай ҳал қилинаяпти?

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Карши шаҳрида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Анжуманда Адлия вазирининг ўринбосари Собир Холбаев маъруза қилди. Маърузачи ўз сўзида кейинги йилларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга эътибор кучайганлигини алоҳида таъкидлади. Бу эса ўз навбатида мурожаатларда кўрсатилган муаммолар асосан жойларда ҳал этилаётганлигининг самарасидир.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ўтказилган сим орқали бевосита мулоқотларда фуқаролар, хусусан, ёшлар суд, нотариат, банк идораларининг асосий фаолиятлари ва фермер хўжаликларида иш юритиш тартиблари, никоҳдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш муаммолари сингари кўплаб саволларга жавоблар олдилар.

Ойдин АНОРОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири.

Муҳим мавзуга бағишланди

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан Жиззах Давлат педагогика институтида "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда олийгоҳ ўқитувчи-талабалари билан бир қаторда вилоят ва шаҳар, туман ҳокимликлари мутасаддилари, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этдилар.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Саидқул Шукуров Олий Мажлис томонидан қабул қилинган **"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун ва унинг мазмун-моҳияти, вилоятдаги ижроси, бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида йиғилганларга батафсил сўзлаб бериш баробарида мавжуд муаммоларга ҳам кенг тўхталди.

Роҳат НОРҚУЛОВА,
Жиззах шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири

Эрта никоҳнинг зарари

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан Навоий Давлат кончилик институти ҳузуридаги 2-сонли академик лицейда бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят "Она ва бола" скрининг маркази, туман, шаҳар ФҲДЁ бўлимлари, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур тадбир асосан Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги **"Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарори ижросини таъминлашга доир чора-тадбирлар режасига бағишланди.

Ихтиёр ҚЎЗИЕВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

КОНСТИТУЦИЯМИЗ муқаддимасида қайд этилганидек, Ўзбекистон "Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги"ни тан олади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасида Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча тамойиллари ўзининг теран ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

Жаҳон амалиётида муҳим воқеа

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ умумжаҳон декларацияси муқаддима ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ўз ифодасини топган.

Декларациянинг 1-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан асосланган фалсафий фикрлар баён этилган бўлиб, унда "Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига бирадарларча муомала қилишлари зарур", дейилади.

Декларациянинг бу моддаси унинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Унга кўра, биринчидан, инсон ўзининг эрк, ҳуқуқ, тенглик сингари ажралмас ҳуқуқларидан маҳрум қилинмаслиги ва иккинчидан, инсон ақл ва виждон соҳиби сифатида ер юзидаги бошқа мавжудотлардан фарқ қилиб, ўз тақдири ва ҳаётини ўзи эркин белгилаши лозим.

2-моддада ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркдан фойдаланишда тенг бўлиши, у Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиби бўлиши баён этилган: "Ҳар бир инсон, бирор бир айирмачиликсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкий аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, мазкур Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиби бўлиши керак".

3-моддада ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади. Бу модда 4, 21-моддаларга кириш бўлиб, мазкур моддаларда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ифодаланган: қуллик ёки қарамликдан сақланиш ҳуқуқи; азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча жазога мустаҳиқ бўлмаслик ҳуқуқининг қонун томонидан муҳофаза этилиши; ўзбошимчалик билан қамоққа олиш, ушлаб туриш ва қувғин қилишдан сақланиш ҳуқуқи; қўйилган айбнинг асосланганлигини аниқлаш учун тенглик асосидаги ижтимоий адолатнинг барча талабларига риоя қилиш ва унинг суд томонидан холисона кўриб чиқилиши ҳуқуқи; ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш; уй-жой ва хатлардаги сирларнинг дахлсизлиги ҳуқуқи; давлат ҳудудида эркин юриш ва ўзига истиқомат жойини танлаш эрки; бошқа мамлакатда бошпана олишдан фойдаланиш ҳуқуқи; фуқаролик ҳуқуқи; никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи; мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи; эркин фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи; маслак эркинлиги ва уни ифодалаш ҳуқуқи; тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузишда қатнашиш ҳуқуқи; мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят саналиши, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги умумэътироф этилган ҳуқуқий меъёрдир.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ратификация қилиниши ижтимоий-сиёсий ҳаётда, халқаро майдондаги фаолиятда муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон ҳудудида бошқа ривожланган давлатлар қатори умумэътироф этилган қоидаларга риоя қилинади. Бу эса ўз навбатида республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, обрў-эътиборининг ошишида, халқаро муносабатлардаги фаолиятининг кенгайиб боришида муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳар йили 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун кенг нишонланади. Давлатимиз раҳбарининг **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони қабул қилингани ва амалга татбиқ этилиши жаҳон амалиётида муҳим воқеа ҳисобланади.

Геннадий ДАВЛЕТОВ,
Ҳамза тумани прокурори ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

Одил судлов

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат

фуқаролик ишини судда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади

СУД ОРГАНЛАРИНИНГ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифа саналади. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш энг самарали усуллардан бири эканлиги кўп йиллик жаҳон тажрибасида ўз исботини топган. Президентимиз **"Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналиши",** — эканлигини таъкидлаган эди. Шундай экан, суд органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиришга, судларда фуқаролик ишларининг қонунларга қатъий амал қилган ҳолда, сифатли ва ўз вақтида кўриб, ҳал этилишига хизмат қилиши борасидаги аҳамиятини кучайтириш устувор вазифа саналади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат аниқ фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш жараёнида вужудга келадиган "суддаъвогар", "суд-учинчи шахс", "суд-прокурор", "суд-эксперт", "суд-гувох" ва бошқа шакллардаги ҳуқуқий муносабатлар тизимидан иборат.

Суд процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда фуқаролик ишини кўриб чиқиб, ҳал қилиш, тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчларини аниқлаш ва шу асосда кўрилган иш юзасидан қонуний ҳамда асослантирилган ҳал қилув қарорини чиқариб, шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлмасдан туриб, тарафлар ҳамда процесснинг бошқа иштирокчилари бир-бирлари билан фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларга кириша олмайдилар. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари фақат биринчи инстанция судларигина бўлмасдан, ишни шикоят ва назорат тартибида кўрувчи иккинчи инстанция судлари ва бошқа юқори турувчи суд органлари ҳам бўлиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг барча субъектлари процесс иштирокчилари деб тан олиниши керак.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати деб, фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқатига айтилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати ҳам фуқаролик ҳуқуқ лаёқати каби фуқаронинг туғилиши билан вужудга келиб, вафот этиши ёки вафот этган деб эълон қилиниши билан тугайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, демократик давлатнинг ҳозирги замонда тан олинган етакчи хусусияти ҳар бир фуқаронинг судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти таъминланганлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг бош мақсади, демократик давлатни шакллантириш, фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини ва қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини таъминлашдан иборат.

Ҳасан НОРҚУЛОВ,
ЎзМУ магистри

Адлия аралашгач...

Сансоларликка чек қўйилди, тадбиркорларга ёрдам берилди

«Ишонч телефон»ларига қилинаётган мурожаатлар қисқа муддатда, қонун талаблари асосида кўриб чиқилмоқда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган "Ишонч телефон"лари мунтазам равишда ишлаб турибди.

ЖУМЛАДАН, назорат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилот биноларининг кўриниши қулай бўлган жойларига "Ишонч телефони" тўғрисидаги маълумот-плакатларидан жами 5203 таси илиниб, уларнинг сақланиши назоратга олинган. Шунингдек, **"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси**да ҳам "Ишонч телефони" рақамлари тўғрисидаги маълумотлар чоп этилиб, республика ва маҳаллий телевидениелар орқали реклама роликлари бериб борилмоқда.

"Ишонч телефони"га қилинган мурожаатлар асосида иш олиб бориш тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Масалан, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Сайхунобод туманидаги хусусий тадбиркор А.Усмоновнинг "Сирдарёпахтасаноат" акциядорлик бирлашмасига кўрсатган транспорт хизмат ҳақи тўланмаётганидан норози бўлиб, "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганиб чиқилиб, "Сирдарёпахтасаноат" акциядорлик бирлашмаси ҳисобидан **76.685.000 сўм** асосий қарз ва **38.342.500 сўм** пеня, жами **115.027.500 сўм** ундириш ҳамда мансабдор шахсларга нисбатан МЖтКнинг 176[1]-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Ушбу иш судда кўрилиб, даъво талаблари қисман қаноатлантирилди. "Сирдарёпахтасаноат" акциядорлик бирлашмасидан хусусий тадбиркор А.Усмоновга **76.685.000 сўм** асосий қарз ва **15.337.000 сўм пеня ундириш** тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди ҳамда камчиликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, "Дурдона давр" хусусий корхонаси ҳисобчиси С.Тошхўжаевнинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилганда, ДТ "Халқ банки" Қибрай тумани филиали томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли қарори талабларига зид равишда хўжалик юритувчи субъектга нақд пул берилмаётганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат адлия бошқармасининг аралашуви билан тўлиқ бартараф этилиб, ДТ "Халқ банки" Қибрай тумани филиали раҳбар ходимларига нисбатан тегишли чора кўрилди.

Шунингдек, Навоий вилояти адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га фуқаро Р.Аҳмедова мурожаат қилиб, "Ипак йўли" банки Навоий филиали унинг талабига асосан ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини тегишли жойга кўчирмаётганлигидан норозилигини билдирган.

Мазкур ҳолат юзасидан банк бошқарувига огоҳлантирув киритилди ҳамда мурожаат муаллифининг талаби қондирилди.

Зиёвуддин ИРСАЛИЕВ,
Шокир РАФИҚОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Тизим тадбирлари

Янада соддалаштирилди

ХАБАРИНГИЗ БОР, 2008 йилнинг 16 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 209-сонли қарори қабул қилинди ва 2008 йилнинг 1 декабридан мазкур қарор кучга кирган эди.

Сирдарё вилояти адлия бошқармасида бўлиб ўтган йиғилиш худди шу қарор моҳиятига бағишланди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ҳусусий ва давлат нотариал идоралари ходимлари иштирок этдилар.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари Набижон Бадалов қарорнинг мазмуни, афзалликлари, қолаверса, мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан берилган саволларга муфассал жавоблар берилди.

Иномжон КУДРАТОВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими

Аёл ва жамият

ОДАМ САВДОСИ қурбонлари асосан болалар ва аёллар бўлиб қолаётгани, жиноятчиликнинг бу жирканч кўринишига ҳеч ким бефарқ қарамаслиги кераклиги Узбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ташкилотчилари томонидан Урганч шаҳрида уюштирилган семинар-тренингда асосий мавзуга айланди. У "Меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этувчи аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилди.

Маърузаларда одам савдосининг олдини олиш, унга қўл урганларни жавобгарликка тортиш, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Президентимизнинг **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ва ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжати талабларини бажариш билан боғлиқ вазифаларга эътибор қаратилди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ажабо!

Ким кимдан қарз?

ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА бир ташкилотнинг иккинчи ташкилотдан қарзини ундиришга оид ишлар кўрилишини бугун ҳамма билади. Қуйида келтириладиган воқелик ҳам хўжалик судида кўриб чиқилган.

2005 ЙИЛДА Чирчиқ шаҳрида нафақат Тошкент вилоятининг, балки мамлакатнинг ҳам фахри бўлган муҳташам ўқув-спорт мажмуаси — Олимпия захиралари коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. Лойиҳа-қурилиш баҳоси ҳам нақд 10 миллиард сўмдан ошади. Бу бунёдкорликнинг бош пудратчиси "ТошИЭСқурилиш" ташкилоти эди. У 2005 йил 17 январда ўзаро имзоланган шартномага кўра, ёрдамчи пудратчи ташкилот — "Тошвилоятлицейколлежсервис" корхонасига ускуналарни ишга тушириш-созлаш вазифасини топширди. Бу иш бажарилди, тегишли далолатнома тузилди, имзоланди ва бунинг эвазига бош пудратчи ёрдамчи пудратчига жами 77,8 миллион сўм тўлайдиган бўлди.

Корхона раҳбарияти иш ҳақини бош пудратчи бугун берар, эрта берар, деб бир йил кутди. Сўнг қонун бўйича жиддийроқ ҳаракатга тушди: вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилди. Суд 2006 йил 3 мартда "ТошИЭСқурилиш"дан "Тошвилоятлицейколлежсервис" корхонасига 78 миллион сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Бу эса ҳамон бажарилмаяпти. Бу борадаги шикоятни ўрганиш учун "ТошИЭСқурилиш" корхонасига йўл олдик.

Ғайрат Мираҳмедов суяги қурилишда қотган, бу даргоҳда кўп йиллар раҳбар лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган экан.

У киши айтдики, ака, мен бундан бошқа яна ўн саккизта ташкилотдан қарзман, пулим йўқ, сабаби — мендан УКС 631 миллион сўм қарз, уч йилдан бери ундиролмаяпман. Ўшани ундирсам, биронта ташкилотдан қарзим қолмайди — ҳаммасини тўлаб, ортиб ҳам қолади!

— Нега судга бермаяпсиз? — билағонлик қилдим мен. Бошлиқ тортмани тортиб, столга қоғоз ташлади:

— Мана, суднинг қарори.

Танишамиз: Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 28 мартдаги Ҳал қилув қарори: "Жавобгар — "Тошкент вилоят Капитал қурилиш бўйича ягона буюртмачи инжиниринг компанияси" ҳисобидан даъвогар — "ТошИЭСқурилиш" шўъба корхонаси фойдасига жами 3155545752 сўм ундирилсин".

Мазкур қарор Олий хўжалик судида ҳам кўрилиб, ўзгаришсиз қолдирилган. Лекин, юқоридаги суммадан қолган 631 миллион сўм қарз ҳамон ундирилмаяпти.

Бошлиқ икки йил мобайнида бу пулни ундириш учун нечта эшикка неча марта кириб чиққани-ю, қандай тадбирларни амалга оширгани, барибир суд қарори бажарилишининг уддасидан чиқмаётгани тўғрисида гапирди!

Йиғлаб борсам, хўнграб чиқди, дегани шу эмасмикан?..

Қизиқ, суд қарорлари бўлса-да, бош буюртмачи томонидан қарз тўланмаслиги оқибатида аввал иқтисодий бақувват бўлган, юзлаб ишчи-хизматчиларнинг қозонини қайнатган қурилиш ташкилотлари ўз-ўзидан "емирилиб" боришнинг боиси шу эмасми? Биргина "ТошИЭСқурилиш"нинг ўзида 2005 йил 500-600 ишчи ва ходим ишлаб, йилига 10 миллиард сўмлик ҳажмда бунёдкорлик ишлари бажарилган бўлса, ҳозирга келиб 70-80 нафар одам қолган ва атиги 500-600 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилмоқда. Агар қарз тўланмаса, бу ҳолат юқоридаги рақамларнинг янада "кичрайиб" бораверишига ва ташкилотнинг "банкрот"га мубтало бўлишига хизмат қилмайдими?

Одил ҲАҚҚУЛ,
журналист

Коллежда давра суҳбати

ҚЎҚОН нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежида 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонуни ва Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги** "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир Қўқон шаҳар прокуратураси, шаҳар хусусий нотариал идораси ва коллеж маъмурияти ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда барча гуруҳ раҳбарлари ҳамда 232 нафар талаба иштирок этиб, мавзуга оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Худди шундай тадбир шаҳар "Маҳалла" жамғармаси, "Озодлик" маҳалласи ва 12-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди.

Фазлиддин ҲОЖИМАТОВ,
Қўқон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

МАМЛАКАТИМИЗ истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ, миллий армияни ташкил этиш масаласи кун тартибидан жой эгаллади. Ва ушбу мақсад йўлида 1991 йил 6 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1991 йил 25 октябрда эса Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан вазирликнинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди.

Ислом КАРИМОВ:
Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Гурур

Мард йигитнинг кўкси қалқон

профессонал армиямизда ҳар жиҳатдан етук ўғлонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда

КЎПГИНА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР, собиқ "марказ"дан бўлаётган қаршиликларга қарамасдан, 1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа содир бўлди — республикамиз ҳудудида жойлашган Куролли Кучларнинг барча тизимлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Ҳозирда бу кун мамлакатимизда **"Ватан ҳимоячилари куни"** сифатида кенг нишонланмоқда.

Юртбошимизнинг **"юртимизда ҳар қандай жанговар вазифани адо этишга қодир, ихчам ва ҳаракатчан замонавий армияни шакллантириш, ҳарбий хизматни том маънода шон-шараф ишига айлантириш, ана шу мақсадда Куролли Кучларимизда маънавий-маърифий тарбия ишларини кучайтириш"** масалалари хусусидаги фикрлари — Куролли Кучларни ислоҳ қилиш ишларига пойдевор бўлди.

Қисқа давр ичида барча қўшинлар штат-ташкилий тизимида қатор ўзгаришлар содир бўлдики, бунинг барчасидан кутилган мақсад — қўшинларни бошқаришда ва хизматни ташкил этишда қулайликларга эга бўлиш, Президентимиз айтмоқчи **"ихчам ва ҳаракатчан замонавий армияни шакллантириш"** эди.

Куролли Кучлар ҳарбий қисмларида хизматнинг нуфузини янада ошириш, сифатини юқори поғонага кўтариш учун ҳарбий хизматни босқичма-босқич шартнома асосига ўтказиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда қўшинларда шахсий таркибни кийим-кечак, озиқ-овқат, автоуловлар, компьютер техникаси билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қилинмоқда. Аскарлар ётоқхоналари, ҳарбий шаҳарчалар ҳудудлари шу куннинг талаблари даражасида таъмирланмоқда ва ободонлаштирилмоқда.

Айниқса, ҳарбийларнинг турли машқларни ўтказишлари, тажриба ва билимларини ошириб боришлари учун шуғулланиш майдонлари, ўқув хоналари, замонавий усулда қайта жиҳозланмоқда.

Барча қўшинларнинг ҳарбий қисмларида шахсий таркибнинг касбий маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари, жанговар тайёргарлик ҳолатини доимий равишда юқори даражада сақлаб туриш учун барча ташкилий, амалий, маданий-маърифий ишлардан кенг фойдаланилмоқда.

Тўсатдан бўладиган ҳар қандай воқеа ва ҳодисага тайёр туриш, унга нисбатан зудлик билан зарба бериш қобилиятига эга бўлиш қўшинлар шахсий таркибининг энг муҳим мақсадига айланган.

Бундан ташқари, миллий армия халқимиз учун том маънодаги ғурурифтихор манбаи, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун чинакам ҳаёт мактабига айланиб бормоқда. Аввалари ота-оналар ўз фарзандларини ҳарбий хизматдан қандай қилиб олиб қолиш тадоригини кўрган бўлсалар, ҳозирги пайтда улар ўз фарзандларининг муддатли ҳарбий хизматда бўлишларини табиий ҳол, деб билаётгани ҳам буни исботлайди. Қолаверса, шартнома асосида ҳарбий хизматга киришни хоҳлаётганлар сафи тобора ортиб бормоқда.

Президентимизнинг **"Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони эса Куролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жиҳатидан тайёргарлигини янада оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, йилдан-йилга халқимиз осойишталиги, мамлакатимиз тинчлиги, мусаффо осмонимиз ва чегараларимизни, заминимизни кўз қорачиғидек сақлаш учун бор имконият ва кучларини сарфлаётган, Ватан ҳимоясини ўзларининг шарафли бурчи, деб билган Куролли Кучларимиз ва унинг шахсий таркиби юртимиз заминида яшаётган барча инсонларнинг, қолаверса, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг кафолатига айланиб бормоқда.

Холмурот АЛЛАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси,
истеъфодаги подполковник

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама.
Алишер НАВОИЙ

Ким ўз ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.
В.БЕЛИНСКИЙ

Армия — ҳаёт мактаби!

Ҳарбий бўлиш

матонат, жасорат, маҳорат ва кенг билимни талаб қилади

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган куннинг ўзидаёқ яқинларимдан бири қўнғироқ қилиб, "... Йилда бир бора армияга чақиришнинг афзал томони нимада? Бу чақирув тизимини такомиллаштиришга хизмат қилса керак, шундаймасми?" қабилида саволлар берди. Ишхонага радиодан бир ҳамкасбим қўнғироқ қилиб, мазкур Фармон ҳақида ҳаяжон билан сўзлади.

ТУМАН мудофаа ишлари бўлимида хизмат қилаётган таниш офицер Олимжон Қорақулов билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик. "Баъзи танишлар чақирувнинг йилда бир бора ўтказилиши сизларнинг хизматларингизни енгиллаштиради, қабилидаги гапларни айтмоқда. Бироқ мен чақирув ва чақирувга тайёргарлик ишлари мавсумий эмаслиги, бу масала доимий эътиборимиздаги вазифа бўлиб келганини, мазкур Фармон асосида янада бир устувор масалага айланишини айтдим", деди.

Дарҳақиқат, чақирув масалаларига давлатимиз раҳбарияти мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада **"Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонда **"Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилган чора-тадбирлар Куролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси жиддий равишда ошди, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўзгарди"** дейилади. Булар асосан нималарда акс этади? Келинг, аввало, шу хусусда фикрлашайлик.

Қувонч билан таъкидлаш лозимки, миллий армиямизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар натижасида муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ортаётганини кўриб, билиб турибмиз. Аскарликка йўл оладиган йигитни бугун тўйу тантаналар билан кузатиб қўйишмоқда. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларга ҳар сафар "Армия — ҳаёт мактаби" номли эслатма берилаётганининг ўзи улкан тарбиявий аҳамият касб этади.

— Фармонга кўра, йилига бир марта белгиланган муддатларда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни захирага бўшатиш борасидаги зарур тадбирлар комплексини амалга оширамиз. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликларни ўзлаштириб олишини, шунингдек, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этишга эътибор қаратамиз. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик чақируви захирадаги хизматчиларни жисмоний ва маънавий камол топтиришга, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш руҳига асосланган мукаммал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимнинг самарадорлигини янада оширишга эътибор қаратилади, — дейди Мудофаа вазирлиги Чақирув ва резервчиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Ботир Мирзамуҳамедов.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фармон миллий армиямиз сафини ҳар томонлама соғлом, баркамол ўғлонлар ҳисобига бойитишдек устувор вазифага жойларда бундан кейин ҳам жиддий эътибор қаратиш, ҳарбий бошқарув органларининг маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан чақирув сифатини янада ошириш борасида кенг ҳамкорликларни йўлга қўйишда улкан аҳамият касб этади.

Алижон САФАРОВ,
майор

Асл ўғлонларимиз

Мерган

— Ҳарбийликни танладимми, маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаслигим керак, — дейди бухоролик курсант, танловнинг республика босқичи ғолиби Бекзод Тўраев

ЎТГАН ЙИЛ охирроғида Куролли Кучлар тизими бўйича ўтказилган "Энг илғор мерган" кўрик-танлови янги ғолибларни кашф этди.

ДАРҲАҚИҚАТ, посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига муносиб бўлишида мазкур танловнинг аҳамияти чексиз. Танловнинг республика босқичида барча округлардан қуйи босқичларда ғолибликни қўлга киритган мерганлар фаол иштирок этишиб, бор куч ва имкониятларини, маҳорат ва билимларини намоён қилишди.

Бугун биз мазкур танлов ғолиби Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 3-курс курсанти Бекзод Тўраев ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бекзод Бухоро вилоятидан. Ёшлигидан шарафли соҳага қизиққан ўғлон ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейда таълим-тарбия олиб, билимларини бойитди.

— Оиламиздагиларнинг барчаси шифокор, — дейди Бекзод. — Менинг ҳарбийликка бўлган қизиқишимни ўз вақтида пайқаган отаонам яхши ниятлар билан ўқишимга шароит яратиб беришди. Уларнинг қўллаб-қувватлаши мендаги ҳарбийликка бўлган қизиқишни янада орттирди. Соҳа билимларини пухта ўзлаштиришимда ҳарбий раҳбарим ва ўқитувчим Яраш Ражабовнинг хизматлари катта.

Лицейни аъло баҳоларга тугатган Бекзод яхши ниятлар билан олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, курсантлик либосини кийди.

— Мазкур танлов касбий маҳоратимни оширишимда муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди қаҳрамонимиз. — Аввало, танловга тайёргарлик кўришимда яқиндан ёрдам берган офицерлар — Александр Девятькин, Мирза Мирахмедов, Аҳмад Очилов, Улуғбек Мўйиддиновлар кўмагида мерганлик сир-асрорларини пухта ўзлаштирдим.

Танловда қуролдан нишонга отиш, 3 минг метр масофага югуриш ва турникда тортилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тактика, ҳарбий топография каби йўналишлар бўйича тест синовларини топширдик. "Ҳарбийликни танладимми, маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслигим керак", деган қатъият билан синовларга киришганим ўз самарасини берди.

Бекзод билим юртида ўтказиб келинаётган фан олимпиадаларида ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Жумладан, ўтган йили физика фанидан 1-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бундан кўриниб турибдики, курсантда замон талабларига мос офицер бўлишдек улкан мақсад бор.

"Энг илғор мерган" танловидаги улкан муваффақияти боис, курсант Бекзод Тўраев Мудофаа вазирининг буйруғига кўра, "Йўриқчи мерган" тоифасига эга бўлди.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
журналист

Бегона юрт ватан бўла олмайди.
И.ГЁТЕ

Бизга ота-оналар, болалар, яқин хешақраболар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" отли сўзда мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?
ЦИЦЕРОН

Аскар уйига қайтди

Уч эгизак посбонлар

Ҳасан, Ҳусан, Зоиржонлар ҳарбий хизматда ҳам ўзларини кўрсатишди

ШУ КУНЛАРДА ангренлик Жамила опа ва Рустам акалар хонадони ажиб бир мунавварликка йўғрилган. Уч эгизак ўғлон — Ҳасан, Ҳусан, Зоиржон Ҳайтматовлар Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини шараф билан ўтаб, ёруғ юз-ла яқинлари бағрига қайтишди. Уларни нафақат яқинлари, балки бутун маҳалла аҳли қувонч билан кутиб олишди.

ЖАМИЛА ОПАНИНГ қувончини таърифлаш мушкул. Фарзандларининг ҳар бири ҳақида чексиз оналик меҳри билан сўзлайди. Эгизакларнинг болалик расмларини бизга кўрсатаркан, ҳайрат билан шундай дейди: "Йиллар жуда тез ўтибди-да?".

Ҳа, бу йиллар аёлнинг маъсум чеҳрасига ўз муҳрини босиб улгурган. Ўтган йиллар салмоғини нима билан ўлчаш мумкин, уларнинг изи яна нималарда қолди экан? Булар хонадон аҳлига бирдек қувонч улашгувчи кўпдан-кўп набиралар, юрт ишига елка тутган ўктам ўғлонлар, онаси чеҳрасида акс этиб турибди.

Фидойи деганда кўпинча кўз ўнгимга юртимизнинг камсуқум, заҳматкаш аёллари келади. Жамила опа тўққиз фарзандни тарбиялаб вояга етказган ана шундай эъзозли аёллардан биридир. Фарзандларнинг ҳар бири бугун жамиятда ўз ўрнини муносиб равишда эгаллаган инсонлардир.

Шукуржон оилада катта ўғил. У укалари ҳақида мамнуният билан шундай дейди:

— Эгизаклар ҳамиша бизни қувонтириб келишган. Мактабда, коллежда, ҳаётнинг энг жиддий синовларидан бўлган ҳарбий хизматда ҳам ўзларини кўрсатишди. Хизматнинг дастлабки кунларидаёқ дадил хатти-ҳаракатлар билан командирлари эътиборига тушдилар. Айниқса, ота-онамиз номига қисм қўмондонлиги томонидан юборилган миннатдорчилик мактуби барчамизни қувонтирган. Укаларимнинг ҳаммаси ана шундай ҳавас қилса, ғурурланса арзийдиган йигитлар.

Гулнора бу хонадоннинг ҳам тўнғичи, ҳам ягона, қизи.

— Эгизакларни катта қилишда онамга яқин ёрдамчи эдим, — дея эслайди у. — Улар туғилганида ўқитувчиларим бирмунча вақт мени мактабдан озод қилишган. Шу тариқа онамга кўмаклашганман. Ҳаманинг эгизакларга қарашгиси келарди. Дугоналарим билан уларни қўлдан қўймасдик. Бугун укажонларимга қараб кўзим қувонади, фахрланаман. Фарзандларим ҳам тоғалари каби эл назарига тушган инсонлар бўлишини орзу қиламан.

Хизматдан қайтган аскар ўғлонларни кутиб олишда улар ўсиб-улғайган Беруний маҳалласи оқсоқоли Ҳабибулло Набиев шундай сўзлар билан барчанинг кўнглидаги гапларни изҳор қилди:

— Биз катта авлод аскар ўғлонларнинг бобоси, марҳум муаллим, узоқ йиллар маҳаллага етакчилик қилган инсон Мираҳмад Ҳайтматовни ҳамон ҳурмат билан ёдга оламиз. Ўғиллари Рустамжон ҳам отаси каби зиё улашувчи касбда ишлаб келмоқда. Уларнинг тарбиясини олган фарзандлар ҳам маҳалла-кўй шаънига, ота-оналари номига яхши гаплар олиб келишди. Фарзандларимиз бундан буён ҳам эл-юрт ишончини муносиб оқлайдилар, кичикларга ҳамиша намуна бўладилар.

Муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар билан ўзлари таҳсил олган 37-умумий ўрта таълим мактабида қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Бу ерда уларни юзларида қувонч, ҳавас ва ҳайрат акс этиб турган болалар устозлари Бахтинисо Қаюмова билан биргаликда кутиб олдилар.

Эгизак аскарлар ўзлари таҳсил олган Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Ангрен автомобилчилар тайёрлаш мактабида ҳам бўлдилар.

Курсантларни қизиқтиргани йигитлар кўксидаги кўкрак нишонлари бўлди. Уч ака-ука эгизаклар якуний синов машғулотларида барча тайёргарликлардан энг яхши натижалар кўрсатиб, сафдошларига ўрнак бўлган эдилар. Учовлари ҳам **"Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси"** деб топилдилар. Улар синов машғулотлари ва рағбатлантиришлари ҳақида курсантларга гапириб бердилар.

Ҳасан, Ҳусан, Зоиржонларнинг орзулари катта. Келажакда ҳам юрт осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона хизмат қилиш улар мақсадига айланган.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
журналист

ФҲДЁ бўлими архиви

янги бинога кўчиб ўтди

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФҲДЁ бўлимлари архивида 1940 йилдан бўён қайд этилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини, яъни 17 000 дан ортиқ ҳужжатлар йигма жилдини сақлашга мўлжалланган архив идораси ўз биносига эга эмас эди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ҳовлисида ФҲДЁ бўлимлари архиви учун замонавий талабларга жавоб берадиган бир қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Барча қулайликларга эга бўлган бино хоналари замон талабларига жавоб берадиган турли жиҳозлар ва оргтехника воситалари билан таъминланди. Бундан ташқари, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

(Ўз мухбиримиз)

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозими учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касб таълим) ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар ва дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20 А-уй.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биноси.

тел: 239-41-12, 239-88-24.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозими учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касб таълим) ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар ва дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20 А-уй.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биноси.

тел: 239-41-12, 239-88-24.

Қиш...

// Ўқидингизми?

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари"

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳаммуассислигида чоп этилаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг навбатдаги 4-сони муштарийлар эътиборига ҳавола қилинди.

ЖУРНАЛДА Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига ҳамда 2008 йил 10 декабрь – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган бир қатор мақолалар ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этилган. Жумладан, республикамиз Конституциявий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоевнинг **"Конституция ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг таъминланиши"**, Адлия вазири Равшан Муҳиддиновнинг **"Ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш йўлида"**, сиёсий фанлар номзоди Ойбек Сирожовнинг **"Демократия ва минтақавий интеграция"** номли мақолаларида Конституция ва унда инсон ҳуқуқлари нечоғли кенг кўламли ва салобатда ҳимояга олингани, жамиятни янада демократлаштириш учун ҳуқуқий давлат барпо этилаётгани ва бунда минтақавий интеграцияга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида сўз юритилади.

Шунингдек, журналда инглиз тилида эълон қилинган "Uzbekistan today" мухбири Ирода Аҳмедованинг **"Инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги йўлида"**, тарих фанлари номзоди Баҳтиёр Якубовнинг **"Конституция аҳоли ҳаракатини намоён этувчи ҳужжат сифатида"**, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг **"Ўзбекистонда ёшлар йили"** сингари мавзулардаги мақолалари ҳамда рус тилида чоп этилган Бош прокурор Рашиджон Қодировнинг **"Одам савдоси – жаҳон муаммоси"**, юридик фанлари доктори Сурайё Одилхўжаеванинг **"Вилоятлар билан ишлаш – Сенатнинг вазифаларидан биридир"** сарлавҳали ва бошқа қизиқарли мақолаларни ўқишингиз мумкин.

Бекзод БЕКТЕМИРОВ, ЖИДУ талабаси

// Қинғир ишнинг қийиғи

Ҳужжати қалбаки экан...

"Д" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун, аввало, автомактабда ўқиш керак

ТЕРМИЗ ШАҲАР 5-даҳада истиқомат қилувчи Шокир Мураталиев илгари "В", "С" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси билан ўзига қарашли "Москвич" енгил автомашинасида киракашлик қилиб, рўзғор тебратарди. Ишлари ривож топаётганидан сўнг кичик автобус харид қилишга жазм этди. Тежаб-тергаган маблағидан сарфлаб "РАФ" русумли автомашинани харид қилди-ю, ташвиши кўпайди. Чунки, бу русумдаги машинани бошқариш учун унга "Д" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси керак эди. Бундай гувоҳнома бўлмаса, машинани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши уни анча ўйлантириб қўйди.

"Д" ТОИФАЛИ ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун махсус курсларда ўқиши, имтиҳон топшириши, бунинг учун эса вақт етмаслиги каби бир қатор ташвишлар унга ортиқча бўлиб кўринди. Шунинг учун тўғри йўл турганда, эгри йўлга кириб, бозор оралади. Кимлардандир эшитган эди, бозор ичида қалбаки ҳайдовчилар гувоҳномаси сотилади, деб. Бир-икки кунлик оворагарчиликдан сўнг Термиз шаҳридаги ёнилғи қуйиш шохобчаларидан бирида нотаниш киши билан учрашиб қолди:

— Асли андижонликман, сиздай инсонларнинг ҳожатини чиқариб юраман. Энди, ака, буёғи тирикчилик-да. Пули нақд бўлса, ишингиз битди, деб ҳисобланг, — очиқ савдога ўтди нотаниш.

— "Д" тоифанинг нархи қанча бўлади?

— 600 минг сўм берсангиз, ишларингиз гулдур-гуп.

Улар эртаси куни шаҳардаги Алпомиш истироҳат боғининг йўналишидаги таксилар қатнайдиган жойда учрашадиган, Шокир акамиз хамир учидан патир, дея 300 минг сўм берадиган, қалбаки гувоҳнома тайёрлайдиган кимса эса бир ой ичида унга шу ерга "Д" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси, огоҳлантирувчи талони ва имтиҳон варақасини топшириб, қолган пулни санаб оладиган бўлди. Кун дегани ҳам тез ўтаркан. Ҳа дегунча бир ой ўтиб, улар ўзаро келишилган жойда учрашиб, қалбакичиликнинг кафанини бичишиб, ҳар ким ўз йўлига равона бўлди.

Шокир акамизнинг қувончи чексиз эди-ю, фақат бир ишкал барчасини чилпарчин қилди. Термиз тумани, Салиобод ЙПХ масканида тўхтатилган Шокир Мураталиевга тегишли "РАФ" русумли автомашина ҳайдовчисининг гувоҳномаси текшириб кўрилганда унинг номига расмийлаштирилган АА №477428 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳамда ОзЯ серияли, №0490728 рақамли огоҳлантириш талони қалбаки эканлиги ошкор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди қалбаки ишнинг оқибатига нуқта қўйиб, айбдорга 300 минг сўм миқдорида жарима жазоси тайинлаб, уни давлат даромадига ундириш тўғрисида ўз ҳукмини чиқарди.



Ҳа, қалбакичилик бир кун қувонтирса, минг кун мункайтиради, деб шунга айтсалар керак.

Акбар ҲАБУБУЛЛАЕВ, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг судьяси, Собир ЁДИКОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

Жасорат ҳақида

АЗИЗИМ, шундай кишини баҳодир дейдиларки, агар у ўз давлати манфаати, тинчлиги учун жонини фидо қилиб, азоб-уқубат косасидаги ҳар қандай майни кўтарса; жасур, довюрак деб шундай кишиларга айтадиларки, Ватаннинг бошига бирор кулфат тушганда зудлик билан қатъий қарорга келиб, ҳаётини хавф остида қолдириб, қўлини ажал суви билан ювиб, тирикчилигидан тамом умидини узиб, ўз мақсадига эришмоқ учун мурод майдонига, яъни кураш майдонига қадам қўйса...

Байт:

Ботир улдир майдон ичра ўзини дев билса ким,
Бахт қиличин даст тутиб, қонлар кечиб жанг қилсаким.

(Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асаридан олинди)

Ж.ЭСОНОВ тайёрлади

Фермер савол беради

Текшириш тартиби

— ЖАМОАМИЗДА ўтказиладиган текширишлар бўйича айрим тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Айтинг-чи, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солувчи қандай қонун ҳужжатлари мавжуд?

"Имкон" МЧЖ аъзолари

— ТЕКШИРИШЛАР бўйича қуйидаги ҳужжатлар мувжуд: "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 августдаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-1503, 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги ПФ-2114, 2005 йил 4 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3619, 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3665-сон фармонлари, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатига олинган "Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом ва 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан давлат рўйхатига олинган "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомлар шулар жумласидандир.

Саволга Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Отабек АЗИМОВ жавоб берди

ЭЪЛОН!

Андижон вилояти адлия бошқармаси Бўз тумани давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Андижон вилояти адлия бошқармаси телефонлари: 222-30-89, 224-24-92

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 30 декабрь кунги №21-сонли қарорига асосан Самарқанд вилояти адвокатлар ҳайъатининг адвокати Умурова Муҳайё номига Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан 1998 йил 9 февраль куни берилган SA 000204 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармасининг катта маслаҳатчиси Камола Зуннунжоновага онаси

Муяссар ая ЗУННУНЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар хўжалик суди жамоаси суд мажлиси котиби Рўзиев Адҳам Бекназаровичга отаси

Бекназар Бойсариевич РЎЗИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановича, Тўраев Тўра Эргашевич, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-16. Тиражи — 21289. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-70-65, Факс: 233-84-50

e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

1 2 3 4 5 6 8